

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ХАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019 GM 41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ХАМДА
ҚИДИРУВИ ИНСТИТУТИ**

КУВШИНОВА МАРГАРИТА ФЕЛИКСОВНА

**УЧБОШ-ҚАРШИ ФЛЕКСУРА-УЗИЛМАЛИ ЗОНАСИНИНГ
ГЕОЛОГИК-ГЕОФИЗИК МОДЕЛИ ВА ЮРА-ПАЛЕОЗОЙ
ОРАЛИҒИНИНГ НЕФТЬ-ГАЗЛИЛИГИНИ БАШОРАТЛАШ**

**04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундаражаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по геолого-минералогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
Of geological and mineralogical sciences**

Кувшинова Маргарита Феликсовна

Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг геологик-геофизик модели
ва юра-палеозой оралиғининг нефть-газлилигини
башоратлаш..... 3

Кувшинова Маргарита Феликсовна

Геолого-геофизическая модель Учбаш-Каршинской флексурно-
разрывной зоны и прогнозирование нефтегазоносности юрско-
палеозойского интервала..... 21

Kuvshinova Margarita Feliksovna

Geological-geophysical model of the Uchbash-Karshinian flexure-fault zone
and forecasting of the jurassic-paleozoic interval's oil and gas
potential..... 39

Эълон килинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ХАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019 GM 41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ХАМДА
ҚИДИРУВИ ИНСТИТУТИ**

КУВШИНОВА МАРГАРИТА ФЕЛИКСОВНА

**УЧБОШ-ҚАРШИ ФЛЕКСУРА-УЗИЛМАЛИ ЗОНАСИНИНГ
ГЕОЛОГИК-ГЕОФИЗИК МОДЕЛИ ВА ЮРА-ПАЛЕОЗОЙ
ОРАЛИҒИНИНГ НЕФТЬ-ГАЗЛИЛИГИНИ БАШОРАТЛАШ**

**04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2PhD/GM138 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ing.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портал (www.ziyounet.uz) тармоғида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаев Гайбулла Сайфуллаевич
геология- минералогия фанлари
доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Гафур
геология- минералогия фанлари
доктори

Атабаев Дилшод Хусанбаевич
геология- минералогия фанлари
доктори

Етакчи ташкилот:

Геология ва геофизика институти

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда кидирувчи институти ҳузуридаги DSc.24/ 30.12.2019.GM 41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «15» ноябр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри., Олимлар кўчаси, 64-Б-уй., e-mail: igimigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№4258 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент шаҳар, Олимлар кўчаси, 64-Б уй., www.ing.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «24» октябр куни таркатилди.
(2022 йил «09» сентябрдаги №1 рақамли реестр баённомаси)



Т.Х. Шоймуратов

Илмий даражалар бериш бўйича Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д., к.и.х.

М.Г. Юлдашева

Илмий даражалар бериш бўйича Илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.н., к.и.х.

А.Н. Богданов

Илмий даражалар бериш бўйича Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда жаҳон амалиётида нефть ва газ захираларини кўпайтиришнинг сезиларли ўсиши ёриқлар зоналари билан чегараланган мураккаб тузилишга эга локал объектларни геологик қидирув жараёнига жалб қилиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Геологик ва геофизик маълумотларни қайта ишлашнинг замонавий усуллари асосида янги нефть ва газга истиқболли структураларни излаш нефть ва газ саноатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан, нефть ва газ геологиясининг устувор вазифаларидан бири илгари истиқболсиз деб ҳисобланган фаол ўзлаштирилаётган худудлар чегарасидаги флексура-узилмали зоналар ҳамда чуқур ёриқлар зоналарининг нефть-газлилик истиқболларини аниқлашдан иборат.

Ҳозирги вақтда дунёда флексура-узилмали зоналарнинг ички тузилишини геодинамик ёндашувга асосланган ҳолда хариталаш ва муфассаллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун турли йўналишларда турли хил тадқиқотлар олиб борилмоқда, шу жумладан: ер қобиғининг алоҳида блокларини горизонтал ҳаракатланишининг геодинамик қонуниятларини аниқлаш, кўмилган геодинамик структураларни геологик ва геофизик моделлаштириш, худудларнинг нефть-газлилигини баҳолаш учун турли хил тектоник кучланиш параметрларини ишлаб чиқиш, булар барчаси долзарб муаммо ҳисобланади.

Республикада ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, бу эса углеводород хом-ашёси захираларини орттириш ва уни қазиб чиқаришни кўпайтириш билан бевосита боғлиқдир. Бу геологик разведка ишлари ҳажмини, шу жумладан флексура-узилмали зоналари билан чегараланган объектларни излов-разведка ишларига киритиш орқали оширишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ «...саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш орқали юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга қаратилган...»¹ чора-тадбирлар белгиланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, нефть-газлилигини башорат қилиш ва янги локал объектларни аниқлаш учун Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг чуқур геологик моделини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон «Ер

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

қаърини геологик жихатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Флексура-узилмали зоналарда нефть ва газ учун геологик қидирув ишларини олиб боришда уларнинг ички тузилишига катта эътибор берилади. Улар ер қобиғи блокларини чуқур ер ёриқлари бўйлаб горизонтал ва вертикал силжиш йўналишларда жараёнидаги геодинамик шароитлари билан билан чамбарчас боғлиқ.

Россия федерацияси нефтгазли провинцияларидаги чуқур ер ёриқлари ҳамда флексура-узилмали зоналари А.А.Бакиров, В.Е.Хаин, В.П.Гаврилов, Н.А.Крилов, Н.Я.Кунин, К.А.Клешев, В.С.Шеин, В.А.Зайцев, Л.В.Панина, Е.А.Маннуилова, Н.В.Макарова, Т.В.Суханова ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистоннинг нефтгазли регионларидаги чуқур ер ёриқлари ҳамда флексура-узилмали зоналари И.А.Фузайлов, Ш.Д.Давлятов, Б.Б.Ситдиқов, Б.Б.Таль-Вирский, Т.Л.Бабаджанов, А.Е.Абетов, Э.Р.Шейх-зода, А.Р.Ярмухамедов, О.П.Мордвинцев, А.А.Абидов, Ф.Г.Долгополов, Л.Н.Лордкипанидзе, В.И.Троицкий, Г.С.Абдуллаев, Ж.Ю.Юлдашев, Б.С.Хикматуллаев, В.Н.Башаев, Ю.М.Садиқов, Р.И.Денисов, Л.Н.Сафонова, Л.Р.Бикеева ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Флексура-узилмали зоналарда нефть ва газ учун бажарилган геологик-разведка ишлари натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, уларнинг самарадорлиги кўп жихатдан геодинамик режимнинг хусусиятларини ҳисобга олувчи комплекс омиллар, узилмали бузилишлар шакли, туташ тоғ жинси комплексининг моддий таркиби ва сейсмик разведка маълумотлари билан чамбарчас боғлиқ.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ: ПД 71-13 НХК ««Ўзбекнефтгаз» МХК мураккаб тузилишга эга майдон ҳамда конлар бўйича уч ўлчамли рақамли геологик моделларни тузиш» (2013-2014); 10-13 «Бухоро-Хива регионида нефть ва газ конларини очиш эҳтимоли мавжуд бўлган структураларни излов бурғилашга тайёрлаш ва қайта

тайёрлаш учун локал объектларни, муфассал сейсмик разведка ва излов разведка бурғилаш ишлари ҳажмини оптимизациялаш» (2013-2015); ПД 238-14 УГ «Нефтгазга истиқболли объектларда сейсмик разведка ишларини ташкил этиш майдонларини танлаш мақсадида геологик-геофизик материалларни таҳлил қилиш асосида Бухоро поғонасининг шимолий-шарқий қисмининг геологик тузилишини деталлаштириш» (2014-2015); ПД 246-14 УГ «БХР даги Бешкент эгилмаси палеозой ётқизиқларининг нефтгазга истиқболлилигини комплекс геологик-геофизик ўрганиш учун электроразведкадан самарали фойдаланиш бўйича тематик тадқиқотлар» (2014-2015); 9-15 «Геологик-геофизик материалларни таҳлили ҳамда комплекс қайта изоҳлаш асосида Бухоро-Хива регионининг шарқий қисмидаги истиқболли объектлар нефтгазлилигининг локал бошорати» (2015-2017); 9-17 «Бухоро-Хива региони бўйича чуқур бурғилашга тайёрлаш учун янги объектларни аниқлаш ҳамда чуқур бурғилаш фондидан истиқболсиз сифатида чиқарилган майдонларни қайта тайёрлаш мақсадида геологик-геофизик материалларни комплекс қайта изоҳлаш» (2017-2019); 17-19 НГГ «Бухоро-Хива регионида аниқланган ва тайёрланган объектлар бўйича уларнинг нефтгазлилигини баҳолаш мақсадида геологик-геофизик материалларни комплекс таҳлил қилиш ва қайта изоҳлаш» (2019-2020) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сейсмик разведканинг МОГТ-2D ва 3D материалларини бурғилаш маълумотларига боғлаган ҳолда системали қайта изоҳлаш асосида Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг юра-палеозой интервалининг ички тузилишини ва нефтгазлилиқ истиқболлини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

флексура-узилмали зонанинг мавжуд геологик-геофизик ўрганилганлигини таҳлил қилиш ва базавий изоҳлаш моделини ишлаб чиқиш;

флексура-узилмали зоналарнинг алоҳида участкаларида тенг узокликда жойлашган кўндаланг ва квази-кўндаланг МОГТ-2D ва 3D сейсмопрофилларини системали қайта изоҳлаш;

юра-палеозой интервалида флексура-узилмали зонани структуравий тектоник районлаштириш;

флексура-узилмали зонанинг нефтгазлилигини башоратлаш ва геологик-разведка ишларининг кейинги йўналишларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасида жойлашган юра-палеозой интервалидаги туташган қия ва силжима-узилмали бузилишлар системаси ҳамда улар ҳосил қилган блоклар олинган.

Тадқиқотнинг предмети Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг юра-палеозой интервалидаги нефть-газга истиқболли ёриқ-блокли локаль структуралар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари Диссертация ишини бажаришда МОГТ-2D ва МОГТ-3D сейсмик разведка материалларини бурғилаш маълумотларига асосланиб тизимли қайта талқин қилиш услубидан фойдаланилди ва улар асосида бир нечта геологик юзалар учун структурвий тектоник хариталар тузилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тадқиқ қилинаётган объектнинг геологик-геофизик модели ишлаб чиқилди, у тенг масофада кетма-кет жойлашган кўндаланг ва квазикўндаланг сейсмогеологик кесмалар ҳамда асосий структуравий юзалар бўйича асосида тузилган структуравий-тектоник хариталар мажмуаси ишлаб чиқилган;

геодинамиканинг остки сурилма-силжимали хусусиятига мос ҳолда ўзаро туташган қия ва сурилма-узилмали бузилишларнинг яхлит системаси аниқланди ва харитага туширилди, уларнинг 4 та сегментга бирлаштирилган 16 та алоҳида участкалардан иборатлиги исботланган;

юра-палеозой оралиғининг углеводород потенциали аниқланди, у ўз ичига ўрта-юқори юра карбонат ётқизикларидаги тектоник тўсилган тутқичлар гуруҳига эга бўлган нефть ва газ конларини ҳамда кесим бўйича пастроқда ётган ўрта-юқори юра ётқизикларидаги башорат қилинган қийиқланиш зоналари ва дарё ўзани фацияларини, туташган палеозой локал антиформалари ҳамда метаморфик ва гранитоид массивларнинг кўмилган эрозион дўнгликларини ўз ичига олиши аниқланган;

барча турдаги локал объектларни ва узилмали-бузилишлар тизимини ҳамда улар таъсирида ҳосил бўлган блокларнинг маҳаллий шаклини ҳисобга олган ҳолда Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасидаги юра-палеозой оралиғининг углеводород потенциалини келгусида ўзлаштириш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бухоро-Хива региони чегарасида асосий стратиграфик горизонтлар бўйича Учбош-Қарши флексура-узилмали зонанинг чуқурликдати структурасини акс эттирувчи структуравий-тектоник хариталар тўплами ишлаб чиқилган;

Учбош-Қарши флексура-узилмали зонанинг ўрта-юқори юра карбонат ётқизиклари оралиғида биринчи навбатда излов ишлари олиб бориладиган объектлар: Ахраб, Улуюк ва Янги Зекри аниқланган;

юра-палеозой оралиғининг пастки қисмида турли хилдаги нефть ва газга истикболли бешта локал объектларнинг жойлашганлиги аниқланган;

Учбош-Қарши флексура-узилмали зона шаклини ҳисобга олган ҳолда МОГТ-3D сейсмик разведка ишларининг «cross» ва «line» дала кузатувларини энг мақбул тизимлари тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тузилган 981 пог.км. МОГТ-2D сейсмик разведканинг 48 та кесмалари, МОГТ-3D сейсмик разведканинг 2324 км² майдони, 104 чуқур қудуқлар бўйича олинган бурғилаш маълумотларига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг юра-палеозой интервали оралиғидаги нефть ва газга истиқболли ёриқ-блокли локал структураларни излаш учун геологик-разведка ишларини геологик-геофизик модел кўринишида назарий жихатидан ишлаб чиқиш билан изоқланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти геологик-разведка жараёнига янги, нефтгазга истиқболли, ёриқ-блокли локал объектларни жалб қилиш билан ифодаланиб, уларнинг структуровий плани флексура ёрқли зонанинг ички тузилиши билан назорат қилинади ва Ўзбекистон Республикасида углеводород ресурслари базасини орттиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Учбош-Қарши флексура-узилмали зонанинг ишлаб чиқилган геологик-геофизик модели бўйича юра-палеозой оралиқларида бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ахраб структурасининг таянч горизонтлари бўйича тузилган структура хариталари «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасининг 2022 йил 22 июлдаги 04-3486-сон маълумотномаси). Натижада, ўрта-юкори юра даври карбонат ётқизиқлари торкибиди аниқланган Ахраб структураси аниқ хариталанди ва унинг структуравий тузилишини Учбош-Қарши флексура-узилмали зона билан назорат қилиш имконини берган;

локал Улуёқ структурасида МОГТ-2D дала сейсмик разведка ишларининг энг мақбул тизими «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасининг 2022 йил 22 июлдаги 04-3486-сон маълумотномаси). Натижада, кам иқтисодий харажатлар билан сейсмик маълумотларнинг ахборот мазмунини ошириш имконини берган;

истиқболли Янги Зекри структурасини чуқур бурғилашга тайёрлаш мақсадида муфассал-излов сейсмик разведка ишларини ўтказиш бўйича тавсия «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасининг 2022 йил 22 июлдаги 04-3486-сон маълумотномаси). Натижада, Янги Зекри геологик модели қурилди ва структураси чуқур бурғилашга тайёрлаш учун тавсия этилган, бунинг натижасида углеводород хом ашёси ресурслари миқдорини орттириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда мақола, жумладан 2 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг хажми ва тузилмаси. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация хажми 114 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблилиги асосланган, унинг мақсади ва вазифаларига таъриф берилган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий ахамиятлари, тадқиқот натижаларини амалиётда қўлланилгани, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг геологик-геофизик жиҳатидан ўрганиш тахлили**» деб номланган биринчи бобида мавжуд геотектоник районлаштириш схемалари, структуравий ва нефтгазгеологик тузилмалар, регионал геофизик ўрганилганлик тавсифи, бурғилаш бўйича ўрганилганликнинг обзори берилган. Улар асосида флексура-узилмали зоналарнинг ички тузилиши бўйича ўрганилиши лозим бўлган муаммолар белгиланган ва кейинги тадқиқот йўналишлари аниқланган.

Мавжуд регионал тушунчаларга кўра, Учбош-Қарши флексура-узилмали зонанинг геологик-геофизик маълумотлари турлича изоҳланган ҳамда геологик кесимининг юқори қисмидаги узилмали-бузилишлар нотекис жойлашган, жануби-шарқий томонга кенгайиб борадиган “полоса” кўринишига эга. ГСЗ, КМПВ-МГОВ, МТЗ ва МОГТ-2D регионоал геофизик профиллари маълумотлари бўйича ушбу флексура-узилмали зонанинг кесим бўйича чуқурликдаги ички тузилиши ҳам ноаниқликлар билан тавсифланади.

Учбош-Қарши флексура-узилмали зонада нефть ва газ учун бажариладиган геологик-разведка ишларининг доимий амалиётида иккита тектоник поғонани бир-биридан ажратиб турадиган структуравий ўйик ва у билан боғлиқ тектоник-экрланган тутқичлар тўғрисидаги содда тушунчадан фойдаланилади. Бу эса унинг углеводород бера олиш имкониятини тўлиқ ифодалаб бера олмайди. Шунинг учун, унинг ички тузилишини аниқлаштириш ва муфассаллаштириш мақсадида тадқиқот объектига тўғри бурчак остида ётган маълумот бера оладиган барча МОГТ-2D ва МОГТ-3D сейсмик профилларини буриглаш маълумотларига боғлаган ҳолда системали қайта изоҳлаш зарур.

Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасига тўғри бурчак остида ётган сейсмик разведканинг МОГТ-2D ва МОГТ-3D материалларини бурғилаш

маълумотларига боғлаган ҳолда системали қайта изоҳлаш учун тадқиқ қилинаётган чизиқли объектнинг базавий изоҳлаш модели ишлаб чиқилди. Модель шимоли-ғарбдан жануби-шарқ томон чўзилган ўқ чизиқни ўз ичига олади. Бу ўқ чизиқнинг икки томонидаги ишончли интервалларда жойлашган участкалар 28та тенг секторларга бир хил оралиқ масофада бўлинган. Базавий чуқурлик кесими биринчи тартибли остки сурилма типдаги ер қобиғини кесиб ўтган қия сурилмали бузилишлардан иборат. Қия сурилмали бузилишларга икки томонидан иккинчи тартибли сурилмалар тиралиб у мураккаблашган. Ушбу бузилишларнинг флексура-узилмали зонадаги шакли ушбу зонага таъсир қилаётган горизонтал механик кучланишлар қийматига боғлиқ (1-расм).




1-расм. Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг МОГТ-2D ва МОГТ-3D сейсмик разведка материалларини буриглаш маълумотларига боғлаган ҳолда системали қайта изоҳлаш учун базавий изоҳлаш модели (Тузувчи: Кувшинова М.Ф.; 2022 й.).

1 – палеозой ҳосилаларини ер юзасига чиққан жойлари; 2 – МОГТ-2D сейсмик профиллари; 3 – МОГТ-3D сейсмик профиллари; 4 – бошқа флексура-узилмали зоналар: 1. Қизилқумолди, 2. Лянгар-Қараил, 3. Амударё; 5 – кўтарилма, вал ва эгилмалар чегаралари; 6 – базавий изоҳлаш моделининг ўқ чизиғи; 7 – базавий изоҳлаш моделининг секторлари.

Диссертациянинг «Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасига перпендикуляр жойлашган МОГТ-2D ва 3D сейсмик разведка материалларини чуқур бурғилаш маълумотлари билан системали қайта изоҳлаш» деб номланган иккинчи бобида энг маълумотли вақтли кесимларни танлаш, уларни бирламчи қайта ишлаш, унификациялаш ва чуқурликларга боғлаш, барча таянч горизонтларни стратиграфик боғлаш

хамда белгилаш, базавий изоҳлаш модели асосида қия ва силжима узилмали бузилишларни танлаш, кузатиш ва хариталаш. Тадқиқот объектининг катта масофага чўзилганини ҳисобга олиб, ушбу объект шартли равишда ғарбдан шарққа қараб Аузбой-Учқир, Аладагир-Отбоқар, Тайқир-Бузачи, Карим-Муллақувват ва Тошли-Чимқўрғон туташ участкаларга бўлинган.


Умумий кўринишда, барча танланган участкалар бўйича МОГТ-2D, 3D сейсмик разведка ва чуқур бурғилаш материалларининг фактик базаси профиллар ва чуқур қудуқларга нисбатан бир текисда жойлашган турли ишлаб чиқариш йилларидаги танлаб олинган кўндаланг ва квази-кўндаланг вақтли кесимлардан иборат. Турли йиллардаги кўндаланг ва квази-кўндаланг вақтли кесимларни бирламчи қайта ишлаш ва бирлаштириш натижасида уларнинг флексура-узилмали зона ичидаги ва четидаги тўлқин майдонларини системали таққослаш учун бир хил кўринишга келтириш имконини берди. Унификациялаштирилган вақтли кесимларда таянч қайтарувчи горизонтларни белгилаш ва стратиграфик боғлаш орқали сейсмик-геологик кесимлар кетма-кетлигида флексура-узилмали зонаси қисмларининг ички ва четидаги асосий чегараларининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш имконини берди (2-расм).



2-расм. Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг Аузбой-Учқир, Аладагир-Отбоқар, Тайқир-Бузачи, Карим-Муллақувват ва Тошли-Чимқўрғон участкаларида МОГТ-2D, 3D кўндаланг ва квази-кўндаланг сейсмик профилларини ва чуқур қудуқларни жойлаштириш схемалари (Тузувчи: Кувшинова М.Ф.; 2022 й.).

1 – бошқа флексура-узилмали зоналар: 1. Қизилқумолди, 2. Лянгар-Караил, 3. Амударё; 2 – кўтарилма, вал ва эгилмалар чегаралари; 3 – палеозой ҳосилаларини очган қудуқлар; 4 – МОГТ-2D сейсмик профиллари; 5 – МОГТ-3D сейсмик профиллари; 6 – базавий изоҳлаш моделининг ўқ чизиги; 7 – базавий изоҳлаш моделининг секторлари.


Сейсмик-геологик кесимлар кетма-кетлигида қия узилишли-бузилишларни хариталаш барча кўшни участкаларда флексура-узилмали зонанинг ички тузилишини батафсил кўриб чиқиш имконини берди. Барча участкалар кесимида флексура-узилмали зона шимоли-шарқий йўналишда оғиш бурчагига эга биринчи ва иккинчи тартибли қия узилишли-бузилишлар системасидан ташкил топган. Улар палеозой комплексини пастдан тепага кесиб ўтиб, мезозой-кайнозойнинг юқори қисмидаги чўкинди қопламада сўниб йўқолади (3-расм).



3-расм. Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг Аузбой-Учқир, Аладагир-Отбоқар, Тайқир-Бузачи, Карим-Муллақувват ва Тошли-Чимқўрғон участкаларида МОГТ-2D ва 3D кўндаланг ва ярим кўндаланг сейсмик геологик кесимлар кетма-кетлиги (Тузувчи: Кувшинова М.Ф.; 2022 й.).

1 – чуқур бурғилаш кудуқлари; 2 – базавий изоҳлаш моделини чегарловчи зона; 3 – базавий изоҳлаш моделининг ўқ чизиғи; 4 – қайтарувчи горизонтлар T_0 , T_2 , T_6 , T_7 , T_{10} ; 5 – биринчи тартибли узилишли бузилишлар; 6 – иккинчи тартибли узилишли бузилишлар.


Барча туташ участкалар худудларидаги флексура-узилмали зонаси биринчи даражали қия ва суб-вертикал узилишли бузилишлар системасидан иборат бўлиб, уни алоҳида горизонтал силжиган участкаларга ажратади (4-расм).



4-расм. Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг Аузбой-Учқир, Аладагир-Отбоқар, Тайқир-Бузачи, Карим-Муллақувват ва Тошли-Чимқўрғон участкаларида бириккан қия ва силжима узилишли бузилишлар системасини жойлашиш схемалари (Тузувчи: Кувшинова М.Ф.; 2022 й.).

1 – бошқа флексура-узилмали зоналар: 1. Қизилқумолди, 2. Лянгар-Қараил, 3. Амударё; 2 – кўтарилма, вал ва эгилмалар чегаралари; 3 – палеозой ҳосилаларини очган кудуқлар; 4 – МОГТ-2D ва 3D сейсмик профиллари; 5 – базавий изоҳлаш моделининг ўқ чизиғи; 6 – базавий изоҳлаш моделининг секторлари; 7 – биринчи тартибли узилишли бузилишлар; 8 – иккинчи тартибли узилишли бузилишлар.

Диссертациянинг «Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасини юра-палеозой оралиғида структуравий-тектоник районлаштириш» деб номланган учинчи бобида бириккан қия ва силжима узилишли бузилишлар системаси ҳамда тадқиқот объектининг бутун узунлиги бўйлаб асосий структуравий юзалар бўйича улар ҳосил қилган блокларни чуқур геологик хариталаш ва уларнинг горизонтал текисликдаги синтези баён қилинган (5-расм).



5-расм. Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг юра-палеозой оралиғидаги структурвий-тектоник харитаси (Тузувчи: Кувшинова М.Ф., 2022 й.)

1 – палеозой ҳосилаларини очган кудуқлар; 2 – МОГТ-2D сейсмик профиллари; 3 – МОГТ-3D сейсмик кубининг таҳлил қилинган қирқимлари; 4 – бошқа флексура-узилмали зоналар: 1. Қизилқумолди, 2. Лянгар-Қараил, 3. Амударё; 5 – кўтарилма, вал ва эгилмалар чегаралари; 6 – Бухоро поғонасидаги кўтарилма ва валлар; 7 – Бухоро поғонасидаги эгилмалар; 8 – Қашқадарё тоғолди эгилмаси; 9 – Чоржуй поғонасидаги кўтарилма ва валлар; 10 – Чоржуй поғонасидаги эгилмалар; 11 – Бешкент мегаэгилмасидаги кўтарилма ва валлар; 12 – Бешкент мегаэгилмаси; 13 – Мешекли-Янгиказган сегменти; 14 – Ғарбий-Отбоқар сегменти; 15 – Тайқир-Зекри сегменти; 16 – Карим-Чимқўрған сегменти; 17 – биринчи тартибли ташлама-узилма; 18 – биринчи тартибли силжима; 19 – иккинчи тартибли ташлама-узилма; 20 – иккинчи тартибли кўтарилма-узилма; 21 – изостратлар палеозой шаклланишлари юзаси бўйлаб.


Палеозой ҳосилалари юзаси бўйлаб флексура-узилмали зонасининг структурвий-тектоник тузилиши узоқ масофага чўзилган ёриқ-блоккли тузилма кўринишида бўлиб, алоҳида участкалари горизонтал силжиган ҳамда чуқурликларида сезиларли фарқ мавжуд, унда жанубий ётган қанот шимолий осилган қанот тагига сурилади. Қуйи-ўрта юра терриген ётқизиклари юзаси бўйлаб флексура-узилмали зонасининг структурвий-тектоник тузилиши деярли палеозойдагини тўлиқ такрорлайди, тадқиқот объектнинг шимоли-ғарбий қисмидаги ётган жанубий қанотнинг айрим блоклари бундан мустасно. Флексура-узилмали зонасининг структурвий-тектоник тузилишида ўрта-юқори юра карбонат ётқизиклари юзаси бўйлаб қуйи-ўрта юра ётқизиклари ўрганилаётган объектнинг шимолий-ғарбий қисмида жанубий қанотнинг кўп сонли блоклари текисланган ҳолда

жойлашган. Флексура-узилмали зонасининг структурвий-тектоник тузилишида куйи бўр ётқизиклари юзаси бўйлаб ўрта-юқори юра даври ётқизиклари ўрганилаётган объектнинг шимоли-ғарбий қисмида жанубий канотнинг янада кўпроқ блокларини текисланиши билан жойлашган.

Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг юра-палеозой оралиғидаги структурвий-тектоник тузилиши узоқ масофага чўзилган ва алоҳида бўлимларга бўлинган, умумий остки сурилма-силжима характериға эға регионал ёриқ-блокли структура кўринишиға эға, бунда узилмали бузилишлар системаси пастдан юқорига қараб қонунға мувофиқ бурмаланган бузилишлар билан алмашинади.

Диссертациянинг «Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг нефть-газлилигини башоратлаш» деб номланган тўртинчи бобида ушбу зонада очилган барча нефть ва газ конларининг, тайёрланган ва аниқланган локал структураларнинг, шунингдек, кенгайган юра-палеозой литолигик-стратиграфик оралиғидаги ноанъанавий типдаги локал объектларнинг ички тузилишидаги хусусиятлари келтирилган.


Флексура-узилмали зонасининг юра-палеозой оралиғидаги углеводород бераолиш имконияти у ерда нефть ва газға истикболли локал объектларнинг ҳар хиллиги билан тавсифланади. У юра карбонат ётқизиклари таркибидаги тектоник экранланган тутқичлар ва блокларни, куйи-ўрта юра терриген ётқизиклари таркибидаги қийиқланиш зоналари ва дарё ўзани фацияларини, Бухоро-Хива палеорифти марказий грабенининг ён бортларидаги палеозой антиформалари ҳамда унга туташган Бухоро тектоник поғонасидаги қадимий метаморфик ва гранитоид массивларнинг кўмилган дўнгликлари билан боғлиқ бўлган иккиламчи ёриқлар зоналарини ўз ичига олади. (6-расм).



6-расм. Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг палеозой оралиғида углеводород бераолиш имконияти харитаси (Тузувчи: Кувшинова М.Ф.; 2022 й.).

1 – палеозой ҳосилаларини очган кудуқлар; 2 – МОГТ-2D сейсмик профиллар; 3 – МОГТ-3D сейсмик кубининг таҳлил қилинган кесимлари; 4 – бошқа флексура-узилмали зоналар: 1. Қизилқумолди, 2. Лянгар-Қараил, 3. Амударё; 5 – кўтарилма, вал ва эгилмалар чегаралари; 6 – биринчи тартибни ташлама-узилмалар; 7 – биринчи тартибли силжималар; 8 – иккинчи тартибни ташлама-узилмалар; 9 – иккинчи тартибли кўтарилма-узилмалар; 10 – газ ва газ конденсати конлари; 11 – нефтгаз ва нефтгаз конденсати конлари; 12 – нефть конлари; 13 – аниқланган локал структуралар; 14 – тайёрланган локал структуралар; 15 – рифт ости чўкинди ҳавзасининг эрта-ўртаюра давридаги истиқболли участкалари; 16 – юқори палеозой рифт комплексидаги локал антиформалар; 17 – гранитоид жисмлар; 18 – метаморфик жисмлар.

Флексура-узилмали зонасининг юра-палеозой оралиғидаги ўрта-юқори юра карбонат ётқизиқлари таркибида аввал тайёрланган объектлар, шунингдек қуйи-ўрта юра терриген ётқизиқлари ҳамда палеозой комплекси таркибида ҳар хил турдаги кўплаб локал объектлар жойлашган бешта майдон амалий жиҳатдан аҳамият касб этади. Уларни хариталаш ва кейинчалик излаш учун геология-қидирув ишларини оптималлаштириш зарур, бу эса МОГТ-3D сейсмик разведкасида, флексура-узилмали зонасининг маълум қисмларида узилмали бузилишлар ва блоклар конфигурациясини ҳисобга олувчи «cross» ва «line» дала кузатув системалардан фойдаланган ҳолда, кенг кўламда фойланишни тақазо этади (7-расм).



7-расм. Учбош-Қарши флексура-узилмали зонаси ҳудудларида геологик-разведка ишлари олиб бориладиган истиқболли ер ва участкаларнинг жойлашув харитаси (Тузувчи: Кувшинова М.Ф.; 2022 й.)

1 – палеозой ҳосилаларини очган қудуқлар; 2 – МОГТ-2D сейсмик профиллар; 3 – МОГТ-3D сейсмик кубининг таҳлил қилинган кесимлари; 4 – бошқа флексура-узилмали зоналар: 1. Қизилқумолди, 2. Лянгар-Қараул, 3. Амударё; 5 – кўтарилма, вал ва эгилмалар чегаралари; 6 – биринчи тартибни ташлама-узилмалар; 7 – биринчи тартибли силжималар; 8 – иккинчи тартибни ташлама-узилмалар; 9 – иккинчи тартибли кўтарилма-узилмалар; 10 – аниқланган локал структуралар; 11 – тайёрланган локал структуралар; 12 – МОГТ-3D сейсмик разведка ишлари тавсия этилган участкалар; 13 – МОГТ-3D нинг «cross» ва «line» системалари тавсия этилган йўналишлар; 14 – флексура-узилмали зонасининг паст истиқболли сегментлари; 15 – флексура-узилмали зонасининг ўртача истиқболли сегментлари; 16 – флексура-узилмали зонасининг юқори истиқболли сегментлари; 17 – МОГТ-2D сейсмик разведка билан тайёрланган объектлар

ХУЛОСА

Диссертация ишининг асосий илмий ва амалий натижалари куйидаги хулосалар ҳисобланади:

1. Бухоро ва Чоржой тектоник поғоналарини бир-биридан ажратиб турадиган чуқур чизикли структурали ўйик кўринишидаги Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг маълум миқдордаги тектоник экранланган тутқишларга истиқболли ҳисобланиши тўғрисидаги мавжуд структуравий-тектоник тасаввурлар унинг ички тузилишининг геодинамик хусусиятларини ҳамда улар билан боғлиқ нефтгазлик истиқболлини тўлиқ акс эттира олмайди.

2. Ўрганилаётган объект бўйича мавжуд МОГТ-2D, 3D сейсмик разведка ва чуқур бурғилаш маълумотларини, ихтиёрий равишда танланган бешта участка ҳудудида, базавий талқин қилиш моделидан фойдаланган ҳолда, системали қайта талқин қилиш асосида Учбош-Қарши флексура-узилмали зонаси кесмасининг юқори қисми ички тузилишини деталлаштиришни амалга оширса бўлади.

3. МОГТ-2D ва 3D сейсмик разведка маълумотларини ихтиёрий равишда танланган бешта участка ҳудудидаги чуқур қудуқларга боғлаган ҳолда системали қайта талқин қилиш унификациялаштирилган кўндаланг ва квази-кўндаланг вақтли кесимлар кетма-кетлигини тузишдан, барча таянч қайтарувчи горизонтларни белгилаш ҳамда уларнинг узилишлари асосида қия узилмали бузилишларни аниқлашдан иборат.

4. Ихтиёрий равишда танланган бешта участка ҳудуди бўйича тузилган кўндаланг ва квази-кўндаланг сейсмик геологик кесмаларнинг кетма-кетлиги Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг ички тузилишининг барча хусусиятларини акс эттиради ва кенг юра-палеозой литологик-стратиграфик оралиғида структуравий тектоник районлаштиришни бажариш учун фактик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

5. Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасини юра-палеозой литологик-стратиграфик оралиғида структуравий-тектоник районлаштириш бир хил турдаги хариталар мажмуидан иборат бўлиб,

уларда пастдан юқорига томон кетма-кетликда қия ва уларга туташган силжима узилишли-бузилишлар системаси ҳамда улар таъсирида 4 та гипсометрик юза бўйича хосил бўлган блоклар акс этган.

6. Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасини структуравий-тектоник районлаштириш натижаларига кўра унинг таркибида, 4 та интервалда бирлаштирилган қия ва силжима узилишли-бузилишлар ситемаларининг нисбатан бир хил масофада ётган, ёриқ-блокли ички тузилишининг индивидуал хусусиятлари билан тавсифланган 16 та алоҳида участка аниқланди.

7. Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг углеводород бера олиш имконияти нефть ва газ истиқболли ёриқ-блокли локал объектларнинг кенг тўплами, жумладан очик конлар, ўрта-юра карбонат ётқизикларида аниқланган ҳамда тайёрланган тектоник экранланган тутқичлар, шунингдек, қуйи-ўрта юра терриген ётқизиклари таркибидаги туташ қийикланиш зоналари ва дарё ўзани фациялари, Бухоро-Хива палеорифтининг палеозой антиформалари ва қадимги метаморфик ва гранитли массивларнинг эрозион дўнгликлари билан тавсифланади.

8. Тайёрланган ва аниқланган локал структуралар билан бир қаторда Учбош-Қарши флексура-узилмали зонаси худудида геологик-разведка ишлари учун истиқболли объектлар сифатида қўшимча равишда ҳар хил турдаги локал объектлар концентрацияси юқори бўлган учта янги истиқболли участка тавсия этилади.

9. Турли типдаги нефть ва газга истиқболли локал объектларни муваффақиятли хариталаш учун, узилишли-бузилишлар ва блокларнинг маҳаллий конфигурациясини ҳисобга оладиган оптимал «cross» ва «line» дала кузатиш системаларидан фойдаланган ҳолда, Учбош-Қарши флексура-узилмали зонасининг муайян участкаларида МОГТ-3D сейсмик разведка ишларини ўтказиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc 24/30.12.2019 GM/T.41.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ
И РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

**ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ
И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

КУВШИНОВА МАРГАРИТА ФЕЛИКСОВНА

**ГЕОЛОГО-ГЕОФИЗИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ
УЧБАШ-КАРШИНСКОЙ ФЛЕКСУРНО-РАЗРЫВНОЙ ЗОНЫ
И ПРОГНОЗИРОВАНИЕ НЕФТЕГАЗОНОСНОСТИ
ЮРСКО-ПАЛЕОЗОЙСКОГО ИНТЕРВАЛА**

**04.00.07 – Геология, поиски и разведка нефтяных
и газовых месторождений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022 г.

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2022.2PhD/GM138

Диссертация выполнена в Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.ing.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Абдуллаев Гайбулла Сайфуллаевич**
доктор геолого-минералогических наук,
профессор

Официальные оппоненты: **Юлдашев Гафур**
доктор геолого-минералогических наук
Атабаев Дилшод Хусанбаевич
доктор геолого-минералогических наук

Ведущая организация: **Институт Геологии и Геофизики**

Защита диссертации состоится «15» ноября 2022 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 при Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений по адресу: 100164, г.Ташкент, ул. Олимлар, 64-Б. e-mail: igirnigm@ing.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений. Адрес: 100164, г.Ташкент, ул. Олимлар, 64-Б, www.ing.uz (регистрационный номер №4258)

Автореферат диссертации разослан «24» октября 2022 г.
(реестр протокола рассылки №1 от «09» сентября 2022 г.)



Т.Х. Шоймуратов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

М.Г. Юлдашева
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, к.г.-м.н., с.н.с.

А.Н. Богданов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время значительное увеличение приростов запасов нефти и газа в мировой практике осуществляется за счет вовлечения в геологоразведочный процесс сложно построенных локальных объектов, приуроченных к зонам разрывных нарушений. Поиск новых нефтегазоперспективных структур на основе современных методик обработки геолого-геофизических данных является одним из важнейших направлений нефтегазовой отрасли. В связи с этим, одной из приоритетных задач нефтегазовой геологии является установление перспектив нефтегазоносности флексурно-разрывных зон и зон глубинных разломов в пределах активно разрабатываемых территорий, которые ранее считались бесперспективными.

В настоящее время в мире уделяется большое внимание картированию и детализации внутреннего строения флексурно-разрывных зон, которое базируется на основе геодинамического подхода. Для решения этих задач проводятся различные исследования в различных направлениях, в том числе: установлению геодинамических закономерностей горизонтальных перемещений отдельных блоков земной коры, геолого-геофизическое моделирование погребенных геодинамических структур, разработке параметров тектонических напряжений различных рангов для оценки нефтегазоносности территорий, что является актуальной проблемой.

В республике особое внимание уделяется развитию топливно-энергетического комплекса, которое напрямую связано с повышением запасов углеводородного сырья и увеличением его добычи. Это обуславливает необходимость в наращивании объемов геолого-разведочных работ, в том числе за счет включения в поисково-разведочные работы объектов, приуроченных к флексурно-разрывным зонам. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены меры по «...дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности, путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей...»¹. Исходя из этого, одной из важнейших задач является разработка глубинной геологической модели Учбаш-Каршинской флексурно-разрывной зоны для прогноза нефтегазоносности и выявления новых локальных объектов, что имеет большое научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование способствует выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан, №УП-4947 от 07.02.2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5646 от 01.02.2019 г. «О мерах по коренному совершенствованию системы управления топливно-энергетической отраслью

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Республики Узбекистан, Постановлениях Президента Республики Узбекистан, №ПП-3006 от 25.05.2017 г. «Об утверждении Государственной программы развития и воспроизводства минерально-сырьевой базы на период 2017-2021 годы», №ПП-4522 от 18.11.2019 г. «О мерах по совершенствованию системы организации и проведения геологоразведочных работ на нефть и газ», а также других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VIII «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы.

При проведении геолого-разведочных работ (ГРР) на нефть и газ в пределах флексурно-разрывных зон большое внимание уделяется их внутреннему строению, которое тесно связано с геодинамическими условиями горизонтальных и вертикальных перемещений блоков земной коры вдоль глубинных разломов.

В Российской Федерации изучением глубинных разломов и флексурно-разрывных зон в пределах нефтегазоносных провинций занимались А.А.Бакиров, В.Е.Хаин, В.П.Гаврилов, Н.А.Крылов, Н.Я.Кунин, К.А.Клещев, В.С.Шейн, В.А.Зайцев, Л.В.Панина, Е.А.Маннуилова, Н.В.Макарова, Т.В.Суханова и др.

